

Қанд касалинини

Газетхон илтимоси

ДАВОСИ

Хурматли редакция! Қандли диабет хасталигининг аломатлари қандай кечади, бу касалликнинг олдини олиш ва даволашда нимага эътибор бериш керак?

К. МУХАМЕДОВ,

Улуғ Ватан уруши ва меҳнат ветерани.

Қанд касали билан оғриган кишиларда ошқозон ости бези суяқлиги — инсулин умулан чиқмайди ёки оз миқдорда ажралади. Рухий тушунлиги, ошқозон ости безининг шомолини ҳамда усимта хасталиги, инфекция, ошқозон ости томирларининг силерози, оч қолгандан сунг бирданига кўп овқатланиш ва организмдаги жинсий безларнинг хасталиги қанд касалининг сабабларидир.

Инсулин суяқлигининг камлиги ёки йўқлиги натижада организмда жиддий ўзгаришлар рўй беради, натижада модда алмашинуви бузилади. Бунинг оқибатида жигарда қанд моддасининг запас олиб қилиш қобилияти пасайди ҳамда ёр моддасининг запас хазм бўлиш хусусияти ўзгариб, қанда захарланиш пайдо бўлади. Қанд касалининг белгиларидан энг аввали чанқаш, қанда қанд моддасининг ошishi, пешоб қўнайиб, у билан қанд моддаси чиқа бошлашидир.

Бемор сувга, чойга тўймайдиган бўлиб қолади. Натижада бемор оза бошлайди. Қанда қанд моддасининг қўнайишидан баданда қичиниш рўй беради, тери-намлиги йўқотади, кўришайди. Оғза қурийдик. Кўп ҳолларда таъби билан қобилияти пасай боради. Тишлар мўртлашиб, тезда тушиб кетадиган бўлиб қолади.

Беморнинг иштаҳаси доимо яхши бўлади, аммо касаллик оғирлашганда иштаҳа йўқолади. Натижада ошқозон ва ичакда катта ўзгаришлар рўй беради, кўнгил айнаш, қайт қилиш, қоринда оғриқ бўлиши мумкин. Қон томирларида, кўпроқ кичик томирларда ўзгариш рўй беради. Бу ҳолда эса оёқ, юрак, кўз, буйрак, томирларда учраб туради. Бемор уйқусизликдан,

бош оғришидан ноийди, кишининг иш қобилияти сусаяди.

Ҳозирги замон медицинасининг тараққиёти натижада диабет касаллигини даволаш яхши йўлга қўйилганки, бундан кишилар ишлаш қобилиятини сақлаб қола оладилар.

Бемор парҳез йўли билан даволанади. Таом таркибида кўпроқ оқсил моддалари бўлган маъқул: гўшт, тухум, пишлоқ, сут, творог, қатиқ; сабзавотлардан туруп, помидор, бодрий, бақлажон, шолғом ва бошқалар; ҳўл мевалардан олма, аччиқ анор, қулуннай, апельсин, тарвуз ва бошқалар. Болаларда, ёшларда учрайдиган оғир шаклдаги қанд касаллиги билан оғриган беморларни фақат инсулин билан даволаш тавсия этилади.

Қарилқид, семизликда учрайдиган диабет касаллигини даволашда қанда қанд миқдорини туширадиган таблеткаларга мурожаат қилинади. Уларни фақат врач маслаҳати билан ичиш керак.

Диабет касаллигининг олдини олиш учун ишлаш ва овқатланиш режимида қатъий риоя қилиш, юқумли касалликлардан сақланиш лозим. Қандли диабет касаллигида ва ундан сақланишда даволаш физкультураси (ЛФК) муҳим аҳамиятга эга. Яъни гўшт тўқималаридаги ортқиқ ширинликларни тезда хазм қилиб, миқдорини камайтиради, шу орадан қанда қанд миқдорини нормал ҳолатга олиб кетади. Бундан ташқари, жисмоний тарбия беш миля нерв системасига, юрак-томир системасига, баданининг мушак-сустларини оширишга, ортқиқ ёр тўқималарини қўйиштирмаслигига, томир ичларида ёр тўқималари ҳосил бўлишига йўл қўймайди. Жисмоний тарбия кўпроқ эртаб, ёки куннинг иккинчи ярмида овқатлангандан бир-бир ярим соат кейин аста-секин, миқдорини ошириш билан олиб борилса маъсуд мувофиқ бўлади.

Махфиза ХАЙДАРОВА, биринчи категорияли врач.



Муассар Бойқобилова мана 18 йилдирки шахримиздаги 115-дорихонада ишлаб келмоқда. У меҳнатсеварлиги, ширинсўзчилиги туфайли коллективда обрў-эътибор қозонган. Меҳнатда бошқаларга ўрнак бўладиган М. Бойқобилова ўзбекистон касаса союзулари республика Совети, Ўзбекистон дорихоналар беш бошқармаси фахрий ёрликлари билан тақдирланган.

СУРАТДА: М. Бойқобилова.

М. Нуритдинов фотоси.

Саховат

Шахримиздаги 2-болалар поликлиникасида кўпгина фидокор шифонолар ишлашдади. Полклиникасида кўпгина дағи олти массажа ва маҳалла аҳолисига хизмат қилади, дейди поликлиника мудири Ш. Рустамова. — Учаскимиз зич, лекин биз ўз вақтида беморларга ёрдам кўрсатишга ҳаракат қиламиз.

Коллектив фаолиятида янги давр шабадаси сезилмоқда. Аҳолига хизмат қилиш йилга-йилга яхшиланади. Ҳозир бемор болаларни уйларида бериб даволаш, тузли касалларни кўришда мутахассис врачлар педикюрлар билан келгашиб иш олиб бориш йўлга қўйилган. Иш кунлари кечки соат 9 гача узайтирилган.

Кундаличилиги қайта кўриш жараёнида анча ишлар қилишга улгурдик, — дейди врач М. Абдулқазарова. Ҳозир бир ёшгача болаларни маҳаллий врач томонидан назорат қилишни қўчайтирдик. Натижада инфекция касаллиги билан оғриган болалар сонин камайган. Диспансер назорати остида турувчи бемор болаларни махсус мутахассислар (юр, окулист, стоматолог...) кўригандан ўтказишга алоҳида эътибор берилмоқда. Врачлардан В. В. Шереева, масажчи Ф. Одиловлар, учаски врачлардан О. Н. Лидидидидан меҳнат қилмоқда.

Яхши ишлар билан бирга ўз ечимларини кутадиган муаммолар ҳам йўқ эмас.

Аҳолини ўз вақтида тез даволашни йўлга қўйишда гоҳида шприцлар, шпатель, таномер наб асбоблар етishмай қолади, — дейди Ш. Рустамова. Баъзи жихозлар ҳозирги талабга жавоб бермайди. Рентген ва лаборатория хоналарида ҳаво сўргичлар ўрнатилмаган, олис масофада яшовчи беморларга ёрдам кўрсатиш учун тез ёрдам машиналари етishмайди, бу машиналар учун динтофоллар ҳам оз. 2-филиалда эса телефон муаммоси.

Янги-янги уй-жойлар қўпаймоқда. Шунинг учун бу масивда яна бир поликлиника қуриلسа айна мудоао бўлур эди.

Фидокор шифоноларимиз яна ҳам масъулиятроқ меҳнат қилиб, ўз саховатларини аҳолига саҳия қўишден сочиб турадилар.

Нодир АЛИМОВ,

Навбат кутиб...

— Э-э, «очери»ям жонга тегди. Умринг куттиш билан ўтяди!

«Октябрь» бозоридаги «Болалар дунёси» магазинида ўқувчилар формаси харид қилиш учун турган аёллардан бири жаҳл билан шундай дедию нари кета бошлади. Бейхитёр уни тўхтатиб, гапга тутдик.

— Нега бунча асабийлашасиз, ахир барибир олишингиз керакку...

— Тўғри, барибир олишим керак. Лекин нима қилай, уйда ёш болам қолган. Ҳар кун аёвол шу ахир: эртаб соат еттида олдимиздаги магазинга чиқиб сутта навбатга тургандим. Ичкиналарга айлтирил чой кирди-у, шакарга чиқдим: бир ярим соат туриб бор-йўғи икки кило шакар олдим. Бошқа беришмади. Кейин бу ёққа келгандим: одамни наранг, ур-йикит. Агар сотувчи ҳар бирга бир минутдан вақт сарфлаганда ҳам камда бир соат туришим керак...

Уй бекаси Заҳро... Абдураззоқованинг куйиб-пишиб гапирганча бор. Дарҳақиқат ҳар кун ҳар биримиз шу манзарани кузатишимиз мумкин: ишга боришда автобус кутамиз, келишда кутамиз. Бекатларда чиройли қилиб минут-минутгача ёзилган графикали килиб қўйилган. Лекин бирорта ҳам автобус, трамвай ёки троллейбус ўз графикага қатъий риоя қилмайди. Сиз билан биз эса бунга шу қадар ўрганиб қолганмизки, ҳатто назарамда кутавериб холдан тойсак («сўрат») ҳам «инг» демаймиз. Ҳаракатини бошқариш, одамларга қўлайли яратиш бевосита хизмат вазифаси бўлган кишилар эса «Диспетчерлар хонасида [3-сўрат] вентиляторнинг хузурубхш еллишига маҳлиё бўлиб чойхўрлик қилишлари ёки гап сотишлари мумкин. Биз эса уларга гапиршамиз ҳам кўриб (чунки улар жаҳл билан автобусини маршутдан олиб ташлашлари мумкин-де) яна индамаймиз. Фақат аён-аёнгина қандай маза-я улгарган деб ҳавас билан қараб қўямиз холос.

Шуниқин қизикчи сизга нима зарур, нима керак бўлсат: хоҳ ўқув қуроллари [2-сўрат, «Октябрь» бозоридаги «Болалар дунёси» магазини]; хоҳ пойфал [4-сўрат, Пушкин ва 1-Май кўчаларидаги «Болалар дунёси» магазини]; хоҳ қанда ёки қолбаса [5-сўрат, «Тошкент» меҳмонхонаси тағдида жойлашган 1-магазин] бўлисин, айнан ўша нарсас бўлмайди. Бўлса ҳам соатлаб навбат кутинишгиз керак. Нарв бурса 3—4 ой илгари истаган магазинингиздан истаганича олишингиз мумкин бўлган шакарни бугунги кунда ёрб махсуслот сифатида тарқатилётганидан сунг гўшт, қвартира ёки автомобиль олиш



учун ойнаб ва йиллаб куттиш кераклиги ҳақида гапирмасамиз бўлади.

Нима учун шундай! Нима учун биз дам олиш кунларини мизин кино, театрда эмас, балки бозор-бозор ёки магазин-магазин сарсон бўлиш билан ўтказамиз. Наҳотки юқоридан сабат ўтилган махсуслотлар анқонинг уруғи бўлсал!

Ҳамма гап ҳам ана шунда-да. Ҳақиқатан ҳам бизда ҳали баъзи нарсалар орзу қилганимиздек мўлқул эмас. Юқоридан кўплаб биз унун «камба» ва «тақчил» бўлиб қолган махсуслотларини савоатимиз етарли даражада ишлаб чиқармоқда. Аммо айрим ношуд бошқарувчиларнинг масъулиятсизлиги туфайли улар ўз вақтида ва кераклигича тақсимланмаслиги туфайли тақчиллик юзага келмоқда. Бу ўз навбатида навбатда турганларнинг сонини оширмоқда. Айрим кимсалар эса махсуслотларни атайин олардан қийнамай олибсотарлар тегиригимиз сув қўйишмоқда. Чунки кўпчилигимиз навбат

кутишдан кўра, 3—4 сўм кўпроқ беришни афзал қўрамиз...

Ҳўш, жамиятимиз юзадаги доғ бўлган бу ҳолатдан иллатдан қандай қилиб қутилиш мумкин! Ишончимиз қилимиз аксарият газетхонлар: ношуд раҳбарларларини алмаштириш керак, хизмат кўрсатиш соҳасини тубдан қайта қўриш лозим, жиддий программа ва ҳуқуқий нормалар ишлаб чиқилиши зарур деб жавоб беришдади. Бахшлаймиз. Тўғри фикр, бироқ қомил ишонч билан яна шунини ҳам айтиш мумкинки бугун автобус кутиб қолсан, бориб диспетчердан талаб қилмаймиз. Бугун бурса ҳам эртага худди шу ҳол яна тақдорланса, «Э-э, буларга барибир» гап таскир қилмайди» деб қўл силтаймиз.

Хуллас, депоқимизки, токи ҳар биримиз ва ҳаммамиз жон куйдирмас эканмиз бу иллат бизни келиштиради. Навбат кутиб ва навбатда турганларини кўриб, ҳаёлимдан ана шулар кечди...

Фаррух РАҲИМОВ, Т. Каримов фотолари.

Уткир меъда-ичак хасталиклари ёки бутун жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти термнологияси бўйича диарея касаллиги юқумли хасталикларнинг учдан бир қисмини ташкил қилиб, соғлиқни сақлаш соҳасида жиддий масалалардан бири ҳисобланади. Айниқса, ўткир ошқозон-ичак касалликлари болалар орасида кенг тарқалган. Бу хасталик дунёнинг барча мамлакатларида, айниқса иссиқ иқлимда мамлакатларда, шу жумладан Ўзбекистон шароитида ҳам кўп учрайди.

Уткир ошқозон-ичак касалликларининг кенг тарқалишига

ОСАЛЬМОНЕЛЛЕЗ касалликлари деганда сальмонеллар туркумига кирувчи икки мингдан зиёд турдаги маълум микроблар тарқатадиган хасталиклар группаси тушунилади, шулардан 200 дан кўпроқ серотиплари одамларда касаллик қилдириди. Сальмонеллез касаллиги ўткир меъда касалликларининг 27—30 процентини ташкил қилади. Сальмонеллез кўзгатувчилари ҳамма ерда учрайди. Касалликнинг асосий манбалари майда ва йирик шохли қорамол, уй паррандалари, шунингдек қўй ва чўчқалар ҳисобланади. Хайвонлар организмидан микроблар ташки муҳитга нажас ва пешоб орқали чиқиб, сув ва озиқ-овқатларни зарарлантиради.

Инсон асосан сальмонелла билан зарарланган овқатни, сувни истеъмол қилгандан кейин касаллик келиб чиқади. Шунингдек, бу касаллик микробларини ўзига сарқовчи кишилар ҳам хасталанишга сабаб бўлади. Ёш болаларда касаллик контакт йўли билан кўпроқ тарқалади, ифлос қўл, ифлосланган ўйинчоқлар, идиш-товоллар ва ҳозирлар орқали тарқалади. Кўпроқ ёшдаги гўдаклар хасталигини асосан оналаридан юқтирадилар.

Сальмонеллез касаллигининг турлари кўп бўлиб, жуда энгил ёки ҳаддан ташқари оғир — токсик турлари мавжуд. Унинг клиник манзараси ҳар хил бўлиб, у асосан беморнинг ёшига, индивидуал ҳолатига, қўшимча касалликларига, микробларнинг ашаддийлигига боғлиқ бўлади. Кўпинча болаларда сальмонеллез касаллиги ошқозон-ичак йўлларининг бузилиши ва организмнинг захарланишидан келиб чиқади.

Одатда касаллик бирданига бошланиб, тана ҳарорати биринчи кунидеяк 38,5—39 даражага кўтарилади, бош оғриги ва баданининг жунжиши, ўткин-ўткин кўнгил айнаб, тез-

Болаларнинг юқумли хасталиклари

ларда иситма 2—3 ҳафта ҳам давом этиши мумкин. Умуман эш гўдакларда тиришиш, қўл-оёқлар тортишиб чангақ бўлиб қолиши, алаҳлаш, безовталиниш ҳоллари тез-тез учраб туради. Қушиш ва ич суриш оқибатида эса организмдан жуда кўп суюқлик ва ҳар хил тузлар чиқиб кетади. Натижада бемор бола ўз вазнини йўқотади, кўзлари киртади, ҳолати бўшашиб, умуман овқат емай қўяди.

Сальмонеллездан тузулиш беморнинг ёшига ва касалликнинг формасига боғлиқ. Кўпчилик катта ёшдаги болаларда касаллик аломатларининг қайтиши 1—2 ҳафта давом этади, яъни бир ҳафта давомда касаллик микроблари ахлат билан чиқиб туриши мумкин. Кўпроқ ёшдаги болаларда ва 1—3 ёшдаги гўдакларда 30—35 процент ҳолатда касаллик олти ойгача қўзилиши мумкин, айрим бе-

Дизентерия хасталигини кўзгатувчи микробларнинг тури кўп. Бу микроблар бола организмига «ифлос қўллар» орқали оғизга ва ошқозон-ичак системасига ўтади. Дизентерия микробларининг асосий манбаи — бу шу касаллик билан оғриган одамлар ва шу микробларни ўз ичакларида ташиб юрувчи соғ кишилар ҳисобланади. Микроб ташувчилар гигиена қондаларига риоя қилмасанлар, озиқ-овқатларини, сут ва сут махсуслотларини ифлослантирадилар ва шу махсуслотлар орқали болаларга тарқалади.

Дизентерия касаллигининг белгилари боланинг ёшига қараб ҳар хил бўлиши мумкин. Хасталик бирданга бошланиб, тана ҳарорати кўтарилади, бемор бола бир-икки марта қушиши мумкин. Бемор безовталиниб йўғлайди, ичи бир неча марта суюқ кетади. Дизентерияга хос бўлган ич ке-

тиши — оз-оз, шилимшиқ қон қўйилиб, қоринда оғриқ ва зўриқиш билан ич кетишидир. Дизентерия касаллиги ўртача 3—4 ҳафта давом этиши мумкин. Агар бемор касаллигини биринчи кундан даволанса, хасталик 7—12 кун давом этади. Лекин касаллигининг сурункали — 2-3 ой давом этадиган тури ҳам бор.

Бемор болаларда ич кетиши ва қушиш тез-тез таворонаниб туриши натижада организмда сув ва туз моддалари йўқолади. Натижада бемор болаларнинг аҳоли оғирлашади ва кўпчилик ҳолларда унинг ҳаёти хавф остида қолади. Бунинг олдини олиш учун Халқаро соғлиқни сақлаш ташкилотининг мутахассислари томонидан тақлиф этилган глюкоза—тузли эритмани ичириш тавсия қилинади. Бизнинг мамлакатимизда ҳам шундай глюкоза — тузли бирикма тақлиф этилиб, унга «Глюкосолан» деб ном берилган. Бу дори жуда самарали натижа берилади. Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг буйруғига биноан республикадаги барча районларда «Глюкосолан» эритмасини ичириш билан даволайдиган марказлар ташкил этилган. Бу марказларда бемор болаларнинг доволабгига қўлай оналарга «Глюкосолан» эритмасидан қандай фойдаланишни ўргатилади.

Хулоса қилиб айтганда, ўткир ичак касалликларига қарши курашда санитария-гигиена маданиятига аҳамият бериш, овқатланиш қорхоналарида, озиқ-овқат дўконларида ва ҳамма-ҳамма жойда озодалликка риоя қилиш керак.

Шавкат НАЗАРОВ, Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигига қарашли республика эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар илмий тадқиқот институтининг директори, медине фанлари доктори.

Куйишдан сақланг

ҳатто битта ёки бир неча куйган бармоқни кесиб ташлашга тўғри келади.

Каттароқ ёшдаги болалар, айниқса, мастаб ўқувчилари олов билан ўйнашиб, куйиб қолишади. Порох, портлаш хавфи бор суюқликлар билан ўйнаш, алағча ёқиш, бензин, керосин, соларга ёқиш каби, лар оқибати куйиб қолишга олиб келади. Болалар олов, қайноқ суюқликлар, химиявий моддалар, электрдан куйиб қолиш муминлигини ҳаётига ҳам келтиришмайди. Шунинг учун катта ёшли кишилар болаларни хавфли ўйинлардан огоҳлантиришлари, куйиб қолиш муминлигини уларга тушунтиришлари керак.

Шу нарсани кишини ҳайратга соладик, болалар кўпинча шайба, яхшанба кунлари, отаналар уйда бўлган пайтларда куйиб қоладилар. Демак, отаналар болаларни унчалик

назорат қилмай, бепарво бўладилар, бу эса болаларга жуда қимматга тўғри келади. Агар фалокат юз бериб, фарзандингиз куйиб қолса, уни асло ўзингизча билар-билмас даволамаг. Куйган жойга ҳеч қандай мой ёки бошқа нарсас суртмаг. Қўл ёки оёқнинг бирор жойи куйиб қолса, уни бир неча минут совуқ сувга солиб туринг, сунгра вихтёт бўлиб, тоза юмшоқ галлама билан аста-секин босиб артинг, кейин яхшиши стерил бинт билан боғлаб, болани врачга олиб бориңг.

Шуни айтиш керакки, бола терисининг озорқ жойи куйса ҳам у шок ҳолатига тушиб қолиши, бунинг оқибати эса юмшоқлик билан туташти мумкин. Бола баданининг катта жойи куйиб қолса, унинг кийимини қайчи билан қийиб олиңг, шунда пайдо бўлган пуфалчаларга эниб етмайди.

Шундан кейин болани тоза чойшабга ўраб, теода медицина маюссасига олиб бориңг. Чунки куйиб оқибатини фақат врач аниқлай олади, касалхонада қўндай беморга тез ёрдам беришади.

Бола организмда ҳали микробларга қарши яхши кураша олмайд, шунинг учун унинг организмга тери юзасидан тушган инфекция сепсисга (қоннинг умумий захарланишига) олиб келиши мумкин. Фақат касалхона шароитидагина бундай хавфли асоратлар олди олинида ва тегишли даво чоралари ўз вақтида қўрилади. Болаларнинг куйиб қолиши жуда хавфли, бунга қўпинча катта ёшли бепарво одамлар айбдор бўлишади. Асосийси, болаларнингизни асло назоратсиз қолдирманг!

Маърифат ОРИФЖОНОВА тайёрлаган.





Дилдан куйлаб, уйнаб кўнаб...

Спорт

Эътиборсизлик — кўнгил ранжитади

Тошкент шаҳрининг чеккасида сўлим бир район жойлашган. Унинг ташкил этилганга ҳали ўнча йил бўлган йў. Шундай бўлсада, пойтахтнинг асосий саноат зоналарида ҳисобланади. Сергеликларнинг аксарияти шу районда меҳнат қилмади, демакки, дам олишлари ва спорт билан шугулланишлари ҳам шу ерда бўлади.

СТАДИОН ДЕЙИШГА ТИЛ БОРМАЙДИ

Сергели район Совети ижроия комитети биноси ёнидан ўнга қараб юрсангиз тўғри стадионга борасиз. Стадион дейишга тил бормайди-ю, аммо шундай аташга мажбур-миз. Унинг футбол майдонидан фарқи — югуриш учун бўлса керак, атрофи асфалт билан ўраб чиқилган. Кўрген киши ҳайрон бўлади: наҳотки бу жой билан ҳеч қандай плакат ва азувлар кўринмайди. Югуриш йўлига белги қўйилмаган. Футбол майдонини айтмас ҳам бўлаверди. Гўё ялангликнинг икки томонига тўсиклар қоқиб қўйилгандек. Оҳа сепилганга ана бўлган шекилли, жарима майдони чегараси элас-элас кўзга чалинади. Ечиниш хоналари, душхоналар ҳақида гапириб ўтирмаймиз. Дархатлар панасидаги уч-тўрт ўриндиқни айтмас, ўтирадиган жой йўқ ҳисоб.


Энди ўзингиз ўйлаб кўринг. Шундай жойда мусобақаларни кўнгилдагидан ўтказиш имконининг! Стадионни ораста, кишини ўзига тор-саломатлиги, ичкили-боллика қарши кураш қилиш йўқининг! Жонқур ташкилотчи кишилар даражаларни қайтарганда, уч-тўрт кунда стадионни тартибга келтириб қўйса, Афсус, ҳеч кимнинг иши йўқ кўринади. Бўлмаса шундай қаровисиз ҳолда ётмас эди. Районда спорт иншоотлари сироб бўлганда майлидир. Ёшларга бўнис аёкмас, унисига бориб шугулланаверишди десак.

ТАЛАБГОРЛАР КҮП, БИРОҚ...

Яқинда 3. Гарипов район комсомол комитети спорт ва оммавий-мудова ишлари бўлими мудир этиб тайинланди. Сергайрат спортчиларнинг комсомол ишга ўтгани биринчи кўнраданок сезилди. Илгари номинатига фаолият кўрсатган комсомол оператив дружинчилар отрядининг иши жонланди, ёшларни қарбий хизматга тайёрлашга жиддий эътибор берилди бошланди. Загир Гарипов ҳозир спортга қизқувчи йигитларни тўплаб, ҳафтага уч мартадан машғулот ўтказяпти.

Район комсомол комитетининг иккинчи секретари Д. Решетников билан Тошкент меҳмонхона хўжалиги техникуми томон йўл олди. Техникум спорт зали шугулланувчилар билан тўлган. Терга ботган йигитлар тренернинг қар бир кўрсатмасини аниқ бажаришди. 3. Гарипов ҳам шогирдлари билан баравар машқ қиларди.

— Бу ерда ҳозир элиқдан зиёб ёш қатнаш япти, — деди Загир. — Каникул тугаса яна ҳам кўпайишди. Улар асосан классик кураш, кўл жанги каби турлар билан шугулланишяпти.



«Пахтакор» — «Звезда» учрашувидан ҳафсаласи пир бўлган футбол мухлисларининг кўпи кейинги ўйинга келмади. Майдон эгаларининг Тошкентнинг «Геолог» коллектив билан бўлган матчида йигирма бир минг томошабин стадионга ташриф буюрибди. Тошкентда спорт-бўюм дотеряси ўйнаётганидан бўён келувчилар сони ҳали бу даражага тушмаганди...

Октомберялик республика тоифасидаги судья В. Шароянинг хўштаги чалиниши билан биринчи лига коллективлари ўртасида навбатдаги тур ўйинларидан бири бошланди. Унда турнир жадвалининг саккизинчи ва тўққизинчи ўринларини эгаллаб турган икки команда бир-бирга рубарў келди.

Пахтакорчилар биринчи минутларданок ташаббусни қўлларига олишди. Улар гоҳ ўнг, гоҳ сул қанотдан меҳмонлар дарвозасига ҳавф сола бошлашди. Саккизинчи минутда Кабаев рақиб мудофаасини ёриб кирди-ю, комбинацияни ниятсизга етказди. Орадан уч минут ўтгач Пятницкий ҳам қўлай имкониятдан фойдалана олмади. Бундай ҳавфли вазиятлар тез-тез такрорланиб турди. Биринчи бўлим ўрта-ларида Кабаевнинг шотма-шотларини панд берди. Ҳисоб яна очилмади.

Сибирликлар эса асосан химояда ҳаракат қилишар, онда-сонда қарши ҳужумга ўтиб туришарди. Бирон, онда-сонда бўлсада, омад уларга бокди: 35-минутда Феоктистов ўз командасини олдинга олиб чиқди.

Ҳамшаҳарларимиз қандай бўлмасин мағлубиятдан қутилиш йўллари излаб бошлашди. Танаффусга бир минут қолганида Михель маҳорат кўрсатди. У боши билан урган тўп дарвоза тўрига бориб тушди...

Иккинчи бўлим бошлангачида тошкентликлар усталик билан ҳар томонлама қўлаб-қувватлаш зарур. Айниқса, ичкилик-боллика, гўёқандаликка қарши кескин кураш кетаётган бир пайтда. Ҳаммаси бекорчилиқдан бошланди. Бунинг доми ёлда тугган ҳолда район раҳбарлари, хусусан район спорт комитети четда кузатувчи бўлиб турмасдан, бера имкониятларини ишга солиш лозим. Кишин-ёзин бирдек шароит яратилса, талабгорлар истаганча топилади. Фақат ҳафсала керак.

ЯХШИ ДАМ

Коммунистик шанбалиқнинг 50 йиллиги номли маданият ва истироҳат боғи сергеликларнинг асосий дам олиш масканларидан бири ҳисобланади. Саратонда кўнда чўмилиш, офтобда чинққанга нима етсин.

Боғ ҳушманзара жойда жойлашган. Атрофи куюқ дарахтзор. Эртаю-кеч одам аримайди. У ерда олиб борилаётган намунали ишларни тан олиб, камчиликлардан ҳам ҳоли эмаслигини таъкидламоқ даркор. Чунки инсон кўнгил очиб, маданий ҳордиқ чиқариш мақсадида боғга ташриф буюради, эртанги иш кунига тайёрланади.

Боғни айланамиз. Кўл киргоғига кум тўқилмаган. Чўмилиувчилар тақир ерда ўтиришяпти. Соябон ва ўриндиқлар ҳам кўринмайди. Кийимлар тўғри келган жойга ечилган. Душ йўқ. Одамларнинг фикрини билиш мақсадида Д. Решетников билан чўмилётганларнинг олдига яқинлашдик.

ТАТЬЯНА Т., МЕДИЦИНА ХОДИМИ. — Умуман ёмон жой эмас. Болаларим билан тез-тез келиб тураман. Бироқ кўмининг йўқлиги кишини ранжитади. Кейин машиналарнинг бу ёққа кириши тақиқланган бўлса ҳам, ҳайдовчилар бунга амал қилишмаяпти. Чунки назорат йўқ. Итларнинг чўмилишига ҳам йўл қўйишяпти. Ахир бундан турли касалликлар тарқалиши мумкин. Назаримда ҳаммаси ўз ҳолига ташлаб қўйилгандек. Тушунинг, болалар соғлигига пўтур етмасин дейман.

Ҳақиқатан ҳам биз борган кун (пайшанба) кечки пайт танча майдони жим-жит, бирон-бир тадбир уюштирилмаган эди. Фақат каруселлар билан теннис секцияси ишлаб турарди. Одамлар кўп, болалар эса ундан ҳам.

ХУЛОСА: Районда бу соҳадаги ишларни яхши деб бўлмайди. Қаерга борманг, бирон камчиликка кўзингиз тушади. Бир сўз билан айтганда бўлса, эътиборсизлик, беҳафсала юрадиган вақтлар ўтиб кетди. Янгичасига ишлаш керак.

Р. БОБОМУХАМЕДОВ, «Тошкент оқшоми» мухбири.

СУРАТЛАРДА: спорт залининг ташқи кўриниши; кўлдаги манзаралар.

М. Назаров фотолари.

Тошкент шаҳар Ю. А. Гагарин номи рус тили чуқур ўргатиладиган

98-ИНТЕРНАТ-МАКТАБНИНГ БИРИНЧИ СИНФГА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ

Рус тилини пухта эгаллашни истаган ўқувчилар мактаб матбурияти билан суҳбатдан ўтадилар.

Бизнинг адрес: 700020, Тошкент шаҳри, Октябрь райони, Архангельская кўчаси, 27-ўй, 27, 62-автобусларнинг «Комсомольская» метро станцияси, 8, 11-трамвайларнинг «Дарвоза» бекати).

Телефонлар: 42-35-34, 42-50-61.

Собир Раҳимов районидаги 189-болалар боғчасига қарашли маориф ходимлари касаба союзининг йўқотган

ДУМАЛОҚ ПЕЧАТИ БЕКОР ҚИЛИНАДИ

този Биродар Абдураимов Пятницкий ўрнига Постовни, Сараев ўрнига Синелобовни майдонга туширди. Мадад кучларининг қўшилиши ҳамшаҳарларимизни руҳлантириб юборди, улар уюштираётган ҳаммалар янада



кескин тус олди. Гоҳида вазиёт шу даражага борардики, «Геолог» вакиллари шотиб қолиб қолганидан бузишдан бошқа илож топишолмасди.

Учрашув тугашига йигирма минут қолганда меҳмонлар яна қонданан бузишди. Синелобовнинг йигирма беш метрлар чамаси узоқликдан зарб билан тепган тўпини тюменликлар дарвозабони ба-зур қайтарди. Унга биринчи бўлиб етиб келган Михель



Бир аслайлик-а, Азамат Абдураимовнинг қатор хатолари, Кабаевнинг мулканини аниқ ололмаслиги қанча чиройли комбинацияларни барбод қилди. Футбол шанавадалари ибораси билан айтганда, мағлубиятга тенг дурағон бўлди.

Бу йилги мавсумда футболчиларимиз учинчи марта «тўқсон фоиз гол» ҳисобланган ўн бир метрлик жарима тўлидан фойдалана олишмади. Бу эса, мухлис-ларни ранжитди, ўйин суръатига салбий таъсир этди. Наҳотки коллективда би-

ўз командасини олдинга олиб чиқди: 2:1.

Шундан сўнг меҳмонлар қарши ҳужумга зўр бера бошлашди. Ҳалабани мустаҳкамлаш ниятида командамиз катта тренери Кабаев ўрнига Абдураимовни алмаштирди. Аммо нисала томон қанча интилдасин ушбу ҳисоб матч охиригача ўзгармади.

Бундай олиб қараганда «Пахтакор» ўз ўйинини топиб олаётгандек кўринади. Айниқса, олдинги линияда ўзгариш бор. Команда голиблик учун курашни тўқсон минут бирдек давом эттирди. Михельнинг қақсон ҳаракатлари, Қосимовнинг аниқ оширган тўплари Синелобовнинг кучли зарблари коллектив муваффақиятини таъминлади, кишилар қалбига умид ўқунларини ёнди.

Энди бу ёнги ишлар юришиб кетди, дейверса бўлади-ми? Буларди, фақат «Звезда» устидан ишончли ғалаба қозонганда. Эсин, минглаб ишқибозлар ортиқиб кутгани бўлади. «Пахтакор» биринчи лиганинг аутсайдерига қарши ўз майдонида ўйнаб қимматли очко йўқотди.

Бир аслайлик-а, Азамат Абдураимовнинг қатор хатолари, Кабаевнинг мулканини аниқ ололмаслиги қанча чиройли комбинацияларни барбод қилди. Футбол шанавадалари ибораси билан айтганда, мағлубиятга тенг дурағон бўлди.

Бу йилги мавсумда футболчиларимиз учинчи марта «тўқсон фоиз гол» ҳисобланган ўн бир метрлик жарима тўлидан фойдалана олишмади. Бу эса, мухлис-ларни ранжитди, ўйин суръатига салбий таъсир этди. Наҳотки коллективда би-

роитга ҳам «пенальти» устаси топилмади! Савол-жавобларда раҳбарлар «майсуд хамон олий лига» эканлигини таъкидлашяпти, лекин сўз билан иш билири амалда кўринмайпти.

Олдин ҳисоб-китобларга қараганда «Пахтакор» кучлилар сафига чиқиши учун иккинчи даврада камиди саксон фоиз очко олиши зарур экан. Бунинг уддалай оларми, кини, ёни «майсуд» яна бир йилга чўзилариники? Яхши-син олдиндан башорат қилмайликда, сафардаги бўла-жақ синовдан ҳулоса чиқарилган. Қўрайликки, пахтакорчилар нималарга қодир экан. Агар улар «Звезда» 12 августда МАСККА, 15 августда «Кузбасс»га муносиб қаршилиқ кўрсата олишса, балки умид қилса бўлади. Шунда ҳам оралик маррада биринчи даврадаги натижаларни иккинчи таҳлил этиб жисмоний ва техник тайёргарликларини маромига етказган бўлишса!

Шу турнинг қолган учрашувлари қуйидагича тугади: «Заря» — «Таврия» — 2:0, «Ростсельмаш» — «Шинник» — 2:1, «Динамо» (Бт) — «Спартак» — 1:0, «Гурник» — «Динамо» (Ст) — 2:1, «Металлург» — «Кузбасс» — 1:0, «Пахтакор» — «Геолог» — 2:1, «Помур» — «Звезда» — 4:1, «Котайк» — АСК (Р) — 3:1, «Кубань» — «Ротор» — 1:0, «Лада» — «Карпати» АСК — 2:1, «Колос» — МАКС 0:3.

Р. МУҲАМЕДОВ.

Редактор ўринбосари С. Б. ЕҚУБОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ ШАҲАР КИНОФИЛЬМЛАР

ПРОКАТИ ИДОРАСИ

ШАҲАР КИНОТЕАТРАЛРИ ЭКРАНЛАРИГА

ЯНГИ БАДИИЙ ФИЛЬМЛАРНИ ЧИҚАРАДИ

«Совуқ март»

Сценарий муаллифи — А. ГОРОХОВ.

Режиссёр — И. МИНАЕВ.

Ролларда М. КИСЕЛЕВ, А. ТОЛУБЕВ, Л. ДАВИДОВА, Н. ТОКАРЬ.

Норасмий номланган гурплага бирлашган ва гурплага аъзолари бўлган ўсмирларнинг ўзи белгиланган қаттиқ қонунлар асосида яшовчи фильм қаҳрамонлари — ҳунар-техника билим юрти ўқувчилари мисолида фильмда ёшларни ахлоқий тарбиялаш муаммолари тадиққ этилади.



ОДЕССА КИНОСТУДИЯСИНИНГ МАҲСУЛОТИ.

«Лўли аёл Аза»

М. Старицкий пьесаси асосида экранлаштирилган.

Сценарий муаллифлари — Г. КОХАН, Я. СТЕЛЪНАХ.

Режиссёр — Г. КОХАН.

Ролларда — Л. ЖЕМЧУЖНАЯ, И. КРИКУНОВ, Е. ПОНОМАРЕНКО.

Халқ драмаси жанрида яратилган бу фильмда (XIX аср Украина адабиёти классиги Михаил Старицкий пьесаси асосида суратга олинган) фоживий муҳаббат ҳақида ҳикоя қилинади.



ДОВЖЕНКО НОМЛИ КИНОСТУДИЯ МАҲСУЛОТИ.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбек ва рус тилида ўнда мустақил равишда нашр этилади.



«Тошкент оқшоми»

(«Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекстана и городского Совета народных депутатов.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриятининг Меҳнат Қизил Вайроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри.



РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ:

700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.



ТЕЛЕФОНЛАР: бўлимлар: партия-турмуш ва пропаганда — 32-54-19; совет қурилиши ва халқ нозирлиги — 32-54-34; саноат, транспорт ва алоқа — 33-08-74, 32-55-84; шаҳар хўжалиги, савдо ва маъиший хизмат — 32-55-39, напхитал қурилиши — 32-58-85; фан ва ўқув юртлари — 32-53-10; физкультура ва спорт, қарий-ватанпарварлик тарбияси — 32-55-32; маданият — 32-55-83; ахборот — 33-28-98; халқаро алоқалар ва оммавий ишлар — 33-29-70; иллюстрация — 32-55-37; жамоатчилик — 33-89-42; «Ташкентская неделя» рекламалар иловаси — 32-56-84; эълонлар — 33-81-42.